

ДАСТУР ИЖРОСИГА ҲАММА МАСЪУЛ

Хусусан, туман бандликка кўмаклашиш маркази бош мутахассиси И.Юлдошев «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига эътиборсизлик билан қараганлиги оқибатида ишсизлик нафақаси тайинланган фуқаро М.Худоева охириги мартаба 2008 йилнинг 24 ноябрдан рўйхатдан ўтиб, 2009 йилнинг январь-февраль ойларига 84132 сўмлик нафақа пуллари ортиқча тўлангани аниқланди.


ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ – УСТУВОР МАСАЛА

уни ҳал этиш учун ўз позициямизни ва амалий ёндашувимизни тўла ифода этган ҳолда галдаги вазифаларимизни белгилаб олишимиз ва сайловларда пешқадамликка эришишимиз зарур, деб таъкидланди Тошкент шаҳар ҳамда Наманган вилояти партия Кенгашлари конференцияларида



ГОЛИВ – РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО!

2016 йилги ёзи Олимпиада ўйинлари Рио-Де-Жанейрода бўлиб ўтади. Бразилия пойтахти нуфузли мусобақани ўтказиш бўйича ўтказилган уч босқичли ўзига хос «беллашу»да Испаниянинг Мадрид, АҚШнинг Чикаго ва Япониянинг Токио шаҳарларини ортда қолдирди.



Ўзбекистон
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 42
(746)
2009 йил,
9 октябрь,
жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 октябрь куни Оқсаройда Швейцария Конфедерациясининг Федерал маслаҳатчиси, Федерал таълим ишлар департаменти раҳбари Мишлин Кальми-Рэй хонимни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Швейцария муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, ушбу учрашув икки томонлама ҳамкорликка оид турли масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Швейцария Европа давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Тошкентда ўз дипломатик ваколатхонасини очган. Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисидаги қатор ҳуқуқлар битимларга асосланади. Мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий қилинган.

Ўзбекистонда Швейцария сармояси иштирокида юзга яқин қўшма корхона тўзилган. Ушбу мамлакатнинг 35 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Тошкентда 1995 йилдан буён «Креди Свисс» банки ваколатхонаси иш юритади.

Техникавий-молиявий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатга биноан қўшма ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Утган йиллар давомида миллий ва минтақавий аҳамиятга молик йигирмадан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди, ўндан ортиқ лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Бу лойиҳалар сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини барпо этиш ва таъмирлаш, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олган.

Мулоқот чоғида долзарб халқаро сиёсий ва минтақавий муаммолар ҳам муҳокама қилинди.

Оқсаройдаги учрашувда Мишлин Кальми-Рэй самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди, Швейцария Ўзбекистон билан ҳамкорлигини юксак қадрлаши ва изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

Муносабат

Ёрқин саҳифалар

Бир ой олдин халқимиз ҳаммамиз учун энг улғу, энг азиз миллий байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг шонли 18 йиллигини катта тантаналар билан нишонлади. Орадан ропласа бир ой ўтиб, Ўртаб-шимизнинг «Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийлари» йўллаган табриги биз, муаллим устозларга бамисли қанот бўлди. Дарслардан ташқари соатларда ўқувчилар олдида олиб бораётган машгулотларимиз чоғида ушбу табрик матни бундан 18 йил олдин ўзбек халқи ўз тақдирини ўз қўлига олиб, не-не асрлар орқиб кутган озодлигини қўлга киритганини ёрқин мисолларда баён этишимизга асос бўлди.

Дарвоқе, биз олдимизга ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мустақил демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, юртимизда фаровон ҳаёт барпо этиш мак-

садини қўйганимизни, бу — бизнинг халқаро майдонда ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлигимизни танлаб олганимиз исботидир. Мана, тасаввур қилинг, ўтган 18 йил ичида юртимиз қиёфаси нақадар ўзгарди, нақадар кўркамлашиб кетди. Ўз кучимиз ва имкониятларимизга суяниб, ер ости ва ер усти бойликлари, табиий захираларимиз таъминоти ва келажак авлод манфаатларига ҳизмат қила бошлади. Қисқаси, биз бутунлай янги жамият бунёд этиш йўлидан қатъий, изчил одим ташладик.

Бу ишларнинг давомчилиги, шубҳасиз, жисмоний ва маънавий баркамол авлодлар. Уларга таълим ва таҳсил бериш эса биз ўқитувчи ҳамда мураббийлар чекига тушган.

(Давоми 2-бетда.)

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРАЛ ГАЗЕТХОНЛАР!

«ADOLAT» газетасига 2010 йил

учун
обуна
бўлишга
шошилинг!



Шунда у йил бўйи ҳафтада бир мартадан Сизнинг хонадонингиз эшигидан кириб бориб — ҳам меҳмон бўлади, ҳам мезбонлик қилади.

Обуна «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ва «Матбуот тарқатуви» акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимларида расмийлаштирилмоқда.

«ADOLAT» доим ҳамроҳингиз бўлсин!

Нашр индексимиз — 100.



ФРАКЦИЯ ТАШАББУСИ: ПЛАСТИК КАРТОЧКА – ТЎЛОВ ТИЗИМИ ТАКОМИЛИ

ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан «Мамлакатда пластик карточкаларнинг кенг жорий этилиши — тўлов тизимини такомиллаштириш ва истеъмолчилар манфаатларини таъминлашда муҳим омил» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Республика Марказий банки, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорлик-

да ташкил этилган мазкур давра суҳбатида мамлакатимизда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари қизғин муҳокама қилинди. Тадбир иштирокчилари янги тўлов тизимини аҳамиятини эътироф этган ҳолда, тизимни жорий қилишдаги мавжуд камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида ҳам атрафлича сўз юритдилар.

(Давоми 2-бетда.)



Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров бошқарган мазкур йиғилишда фракция аъзолари, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Қонун лойиҳалари муҳокамада

Дастлаб, йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси муҳокамадаги биринчи ўқишда қиритишга қўйилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди.

Маълумки, биргина жорий йилнинг ўзида тижорат банклари билан мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини янада оширишга доир Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бунинг натижасида мамлакатимизда фаолият юритаётган 30 та тижорат банкларининг активида бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар салмоғи

70 фоизга етказилишга эришилди. Бу ўз навбатида айни вақтда дунёни қамраб олган жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш, реал иқтисодиёт корхоналарига ёрдам кўрсатиш, шунинг баробарида янги иш ўринларини яратиш учун замин яратди. Хусусан, Ўртаб-шимизнинг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банклари билан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар улушини қўпайтириш рағбатлантириш бора-бора қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2009-2010 йилларда тижорат банклари томонидан юридик шахслар ўртасида жойлаштирилган узоқ муддатли облигациялар чиқаришнинг кенгайтириш кўзда тутилган.

— «Кимматли қозғолар

бозори тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ факат очик акциядорлик жамиятлари корпоратив облигацияларни чиқариш ҳуқуқига эга, — деди қонун лойиҳаси юзасидан сўзга чиққан Қўйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Самидилла Маҳмудов. — Шу билан бирга, тижорат банклари ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши белгиланган. Барча тижорат банклари томонидан облигацияларни жойлаштириш имкониятини яратиш мақсадида ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлган тижорат банклари томонидан облигациялар чиқарилиши жорий этишни кўзда тутувчи норма киритиш таклиф қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Маданият, санъат, ва мода байрами

Пойтахтимизда жорий йилнинг 12-17 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган маданият, санъат ва мода соҳасидаги йиллик лойиҳа — Art Week Style.uz — 2009 ҳафталигига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«Осиё рами» Ўзбекистон модельерлар уюшмаси раҳбари Холида Комилова, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда халқимиз, айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтириш, бадиий диди, тафаккурини бойитиш, ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги-янги ижодий парвозлар сари даъват этишга қаратилган кенг қўлмали чора-тадбирлар амалга ошириладиганини таъкидлади.

Бу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда турли вазирлик, идора ва муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан амалга оширилаётган қатор лойиҳалар, кўрик-танловлар, ижодий фестиваллар, концерт ва кўргазмалар турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган истеъдодли йигит-қизларни аниқлаш, ижодини юртимиз ва халқаро микросда тарғиб ва ташвиқ этишдек эзу мақсадга йўналтирилган. Ана шундай лойиҳалардан бири жамғарма ва бир қатор ижодий ташкилотлар томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мода ва санъат ҳафталигидир.

Либлислар санъатидаги ўзига хос анъаналар, миллийлик ва замонавийликни ўзига хос ҳиссам этган ушбу фестивалнинг бу йилги ҳам маданият, санъат ва мода соҳасидаги турли маърифий, ранг-баранг тадбирларга бой бўлади. Рассомлар, фото санъати усталарининг қизиқарли кўргазмалари, қадимги ноёб буюмлар намойиши, концертлар, ижодий анжуманлар, тақдирот маросимлари ўтказилади. Айни пайтда мода ва текстиль соҳасида ишлаб-ишлаб чиқариш иқтисодий ёшлар, миллий матоларни тиклаш устида ишланши олиб бораётган дизайнерларни аниқлаш ва рағбатлантириш учун грантлар ажратилиши кўзда тутилган.

Ҳафталикда юртимиз ижодкорлари билан бирга Япония, Австралия, Германия, Франция, Россия, Италия каби давлатлардаги етакчи мода уйлари вакиллари, рассом ва дизайнерлар иштирок этиши кўтилмоқда. Ҳафталик тадбирлари пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар зали, Миллий санъат маркази, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида бўлиб ўтади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕЛАЖ, ХАБАРЛАР

Тошкентда «Uzbekistan Infrastructure-2009» халқаро Ўзбекистон иқтисослашган тармоқлараро кўргазма лойиҳаси бўлиб ўтди. У бир пайтнинг ўзида туртга Халқаро кўргазмани қамраб олгани билан нафақат маҳаллий иштирокчилар, балки хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Лойиҳа доирасида энергетика, транспорт, логистика, қўриқлаш, хавфсизлик, йўл қурилиши ва коммунал тармоқлар учун замонавий ускуналар, ихчам жиҳозлар ҳамда машиналарнинг бирлашган экспозицияси тақдим этилди.

Тадбир мамлакатимиз инфратузилмаси ютуқларининг ёрқин намоёнишига айланди.

Халқаро стандартларга мос хом ашё тайёрлаш, уни қайта ишлаш ва сифатли сақлаш — мамлакатимиз пахта саноати жамоалари олдида катта вазифалар қўймоқда.

Негаци, пахта хом ашёсига бўлган талаб бугунги кунда наинки ички бозорда, балки хорижда ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Шу боисдан ҳам ҳар йили пойтахтимизда Халқаро пахта ярмаркаси ўтказиш анъана тусига кирди. Шу йил 14-15 октябрь кунлари Тошкентда V халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади.

Президентимизнинг қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламининг кенгайтиришига оид қарори ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятининг Узун туманида янги уй-жойлар учун 32 гектар майдон ажратилди.

«Қишлоқ қурилиш инвести» кредитлари эвазига 36 та ёш оилага яқка тартибда турар-жойлар барпо этишга мўлжалланган бу майдонларда тикланадиган иншоотларнинг намунавий лойиҳалари тахтланиб, уларга 3051,3 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилди.

Ўзбекистон ва Польша давлатларининг туризмни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлиги туфайли Қашқадарёда «Шаҳрисабз юлдузи» номи янги меҳмонхона фаолият бошлади.

«Ўзбектуризм» компанияси бюртмаси билан қад ростлаган меҳмонхона қурилиши учун ҳар икки ҳамкор давлат томонидан тенг миқдорда — 5 миллион доллардан маблағ сарфланди. Янги меҳмонхона сайёҳлар учун барча замонавий шарт-шароитлар яратилган.

ФРАКЦИЯ ТАШАББУСИ: ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ТЎЛОВ ТИЗИМИ ТАКОМИЛИ

ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда.)

Пластик карточка — харид қилинган товар ва кўрсатилган хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий, ишончли ва қулай воситаси. Бинобарин, жаҳон таърибаси синовида ўтган ушбу тўлов тизими қатор қулайлик ва афзалликларга эга. Ҳисоб-китобларнинг тезкор, ҳар қандай жойда ва истаган вақтда масофадан туриб амалга оширилиши, пулни йўқотиб қўйиш, ўғирлатиш ёки уларни санашдаги хатолар билан боғлиқ хатторлар пластик карточка орқали амалга ошириладиган муомалада мавжуд эмаслиги ҳамда пластик карточкалардаги маблағларга устама фоиз тўлиниши каби қулай имкониятлар шулар жумласидандир. Қолаверса, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб тизими меҳнатга ҳақ тўлашни соддалаштиради ва, пировардида, мамлакатда тўлов интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳозирги кунда республикамизда пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими амалиётга босқичма-босқич, изчил жорий этилмоқда.

Давра суҳбатда айтилганидек, Президентимизнинг «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда мазкур тизимни ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида тижорат банклари томонидан 1 миллион 200 мингтага яқин пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 21 минг 300 тадан ортиқ ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилди. Натижада жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига пластик карточкалар сонини 5 миллион 494 минг 351 донага, терминаллар сонини эса 41 минг 936 тага етказилди. Шу билан бирга, аҳолига пластик карточкалардан ўз вақтида нақд пул берилишини таъминлаш мақсадида жойларда 204 та банкومات ва 122 та инфоюкска ишлаб турибди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ана шу амалий ишлар самараси ўлароқ, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳамжамининг сезиларли даражада ошишига эришилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 баробарга ортигани сўзимиз тасдиқидир.

— Пластик карточкалар орқали тўлов тизими, шубҳасиз, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади, — деди давра суҳбатда сўзга чиққан Марказий банк раиси ўринбосари Шухрат Ҳайдаров. — Шу боис, республикамиздаги тижорат банклари томонидан тўловларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш имкониятларини янада ошириш мақсадида шу йил якунига қадар савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар сонини 60 мингтага етказиш кўзда тутилган. Айни пайтда бу бо-

рада муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аммо, таассуф билан айтиш лозимки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳам пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш ишлари талаб даражасида, деб бўлмади. Айрим жойларда маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан сусткашликка, ўзибўларчиликка йўл қўйилмоқда. Масалан, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида, Сурхондарё вилоятининг Денов, Қашқадарё вилоятининг Қамати туманларидаги кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларида мавжуд терминаллардан тўлиқ фойдаланилмапти. Афсуски, пластик карточкалар тизимини жорий этиш борасида Тошкент шаҳрида ҳам етарли иш олиб борилмапти. Тўлов терминаллари ўрнатилиши мажбурий бўлган 1407 ком-

Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш рағбатлантириш мақсадида юридик шахсларга бериладиган имтиёзлар

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги қарориға мувофиқ, 2006 йилнинг 1 октябридан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларида ташқари) кўрсатилган хизматларга пластик карточкалар қўлланиб тўланган ҳажмидан амалдаги ставкага нисбатан 10 фоиз пасайтирилган ставка бўйича фойда солиғи ёки ягона солиқ тўловини тўлаши белгиланган;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги қарориға мувофиқ, банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2010 йилнинг 1 январига қадар банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган хомашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва лицензиялар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади;

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарориға асосан айланма маблағлар тақчиллигига дуч келадиган чакана савдо ва хизматлар соҳаси ташкилотлари тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қилувчи терминалларни сотиб олиш учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкаси бўйича имтиёзли кредит олишлари мумкин.



мунал хизматлар тўловларини қабул қилиш шохобчаларидан атиги 627 тасиди, 72 та меҳмонхонадан 17 тасиди, 1032 та умумий овқатланиш объектидан 832 тасиди терминаллар мавжуд, ҳолос. Айрим жойларда ҳатто терминалларни қасддан бузиш ҳолатлари

жйхозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади. Бундай корхоналар раҳбарлари қонун ҳужжатларида

ликий жарималар қўлланилди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган давра суҳбатда иштирокчилар мамлакатимизда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада рағбатлантиришга қаратилган тақлифлар, мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати сўнгиди тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

СЎЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА

Сайдулло АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон банклари
Ассоциацияси бош директори:

— Пластик карточкалар эмиссиясини ва улар орқали амалга ошириладиган операциялар ҳажминини ошириш — иқтисодиёт ривожини учун ниҳоятда муҳим омиллардан бири. Шу боис, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан тўловларнинг пластик карточкалар орқали қабул қилинишини янада рағбатлантириш мақсадида мувофиқ Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланган имтиёзларнинг амал қилиш муддатини муайян муддатга қадар узайтириш лозим, деб ўйлайман. Шунингдек, барча савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида пластик карточкалар орқали амалга оширилган товар айланмаси ҳажмидадан ялпи даромад солиғи амалдаги ставкага нисбатан 20 фоизга пасайтирилган ҳолда ҳисоблашни белгилаш ҳам тизим ривожига катта ҳисса қўшади.

Анвар БОЙКУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:
— «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати-

да ниҳоятда долзарб масала кўтарилди, қизғин муҳокама этилди. Негаки, ҳозирги кунда пластик карточкалар билан тўловларни амалга оширишда жойларда турли муаммоларга дуч келинаётгани сир эмас. Тўлов терминалларидан фойдаланишни рад этиш ёки маҳсулот нархларини сунъий ошириш ҳолатлари учраб турибди. Шу маънода, мавжуд камчилик ва муаммолар атрофида таҳлил қилиниб, муайян вазифалар белгилаб олиниши билан мазкур тадбир катта аҳамият касб этди.

Тақлиф — аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришга эътибор қаратиш лозим. Бунда барча мутасадди ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, айниқса, депутатлар ташаббускор бўлиши талаб этилади.

Қобил СОАТОВ,
партия фаоли, тадбиркор:

— Президентимиз ва ҳукуматимизнинг мазкур масала юзасидан қабул қилган қарорлари ижроси йўлида айланма маблағлар танқислигига рўпара келадиган савдо ва хизматлар соҳаси ташкилотлари барча турдаги тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилувчи терминалларни сотиб олишлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкаси бўйича имтиёзли кредит бериш мумкинлиги айтиш мумкин. Назаримда, бу — имконият янги тўлов тизими ривожини катта рағбат ҳамдир...

Юсуфжон НИШОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Банклар ассоциацияси доимий ишчи гуруҳи томонидан олиб борилаётган мониторингларда аниқланган қонунбузарликларнинг олдини олишда, назаримда, жамоатчилик назоратига ҳам таяниш керак. Чунки мониторинг вакиллари жойларда бўлганда, терминал воситалари, «Ишонч» телефонлари, «UZKART» логотипи — ҳаммаси мавжуд бўлади-да, улар кетиши билан ё олиб қўйилади, ё қасддан бузилади. Қолаверса, миқдорларга хизмат кўрсатишда ягона тарифларга риоя қилиш тартиблари ижроси ҳам жамоатчилик назоратидан қочиб кутулолмайди.

Камол АҲМЕДОВ,
«Адолат» мухбири.
Суратларда: давра суҳбатидан лавҳалар.
Носир ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

Қонун лойиҳалари муҳокамада



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Фракция аъзолари «Аҳоли орасида микрофунтент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилишди. Ушбу масала юзасидан Қўйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Жамила Ниёзова маъруза қилди.

Таъкидланишича, барча касалликларнинг келиб чиқиши 80 фоиз ҳолларда микрофунтентлар танқислиги сабаб бўлади. Микрофунтентлар танқислиги оналар ва болалар орасида турли касалликлар, ёшларнинг интеллектуал ва жисмоний камол топиши сусайиши, катта ёшдаги одамларнинг иш умуддорлиги пасайиши сингари салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда аҳоли орасида микрофунтентлар етишмаслиги профилактикаси катта аҳамият бериб келинмоқда. Хусусан, аҳоли орасида кўп истеъмол

қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини бойитиш стратегияси самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бир йил мобайнида бойитилган ун маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиш анемия даражасини 5-7 фоизга пасайтириш имконини берди. Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади ҳам аҳоли орасида микрофунтентлар танқислигининг олдини олишга қаратилган бўлиб, республикамизда бойитилган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, олиб кириш ҳамда олиб чиқиш, сотиш ва фойдаланиш каби соҳаларда ҳуқуқий асосларни белгилашдан иборат.

Фракция йиғилишида депутатлар бошқа қатор масалаларни ҳам муҳокама қилиб, тегишли тақлиф ва тавсияларини беришди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракция нуктаи назари белгилаб олинди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» мухбири.

Ёрқин саҳифалар

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда.)

Минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежларимизда, олий ўқув даргоҳларида фидойилик билан ишлаётган ўқитувчилар, домлалар бу машаққатли, аммо шарафли ҳамда савобли иш уйдасини юксак масъулият билан уйдлашмоқда. Улар давлат сиёсати даражасига кўтарилган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури ижроси йўлида амалга оширган ишлар Президентимиз табриғидида таъкидланганидек, «**Ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тарихида албатта сақланиб қолади**». Зеро, табриқда келтириб ўтилган рақамлар, яъни, мактаб таъли-

мини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар миқдоси, қўламини ва моҳиятини кўз олдинга келтириб кўринг: барчаси замирида ўн икки йиллик таълим тизими истиқболлари, вояга етган болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларга касб-хўна ўргатиш, пировардида, тизим ривожига ёрқин саҳифалар очиш мақсади-муддаси ётибди.

Айни шу мақсад-муддоголарга эришиш учун соҳада ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, ўқитувчи меҳнатини муносиб рағбатлантириш, профессионал малакасини ошириш, изланиш ва ташаббускорлик фаолиятини юксалтириш борасида ҳукуматимиз мустақиллик йилларида чиндан ҳам жуда катта тадбирларга қўл урди. Табриқда айтилганидек, «**Биз амалга ошираётган бар-**

ча ўзғариш ва ислохотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган, уларга улкан таъсир ўтказадиган ўта муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, шу заминда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси, ижтимоий фаоллигининг юксалиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир».

Ана шу боғлиқлик юзига чиққан юрда таълим ҳам, тарбия ҳам ўзининг юксак ривож нуктасига етди. Юксак ривож нуктаси дегани, бу — шу ўлкада, шу ҳудудда байрамларга байрамлар уланади, юрт байрамларга тўла бўлади, деганидир.

Убайдулла АҲМЕДОВ,
Пайларқ туманидаги
39-умумтаълим мактаби
директори.

◆ Ҳуқуқ ва бурч

Дастур ижросига ҳамма масъул

«Қишлоқ таъриқиети ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижроси туман прокуратура хизматида туман ҳокимлиги, бандликка қўмақлашувчи марказ, тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими бўлими ва бошқа мутасадди идоралар мутахассислари иштирокида ўрганиб чиқилди. Бунда асосий эътибор туманда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Дастурда белгиланган қишлоқ аҳоли масканларида турар-жой ва ижтимоий соҳа объектиларини архитектуравий режалаштириш ва лойиҳалаштириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини яхшилаш, бандликни таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши каби масалаларга қаратилди.

Ҳудудда дастурда белгиланган тадбирлар ижросини таъминлашда ижобий ишлар баробарида, афсуски, бир қатор камчиликлар ҳам аниқланди. Хусусан, туман ҳокимлиги ҳамда ҳокимликнинг архитектура ва қурилиш бўлими ҳодимлари масъулиятсизлиги тўғрисида фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан ёрмидонлари эгаллаб олиниб, ҳеч қандай меъёрий ҳужжатларсиз қурилиш ишлари амалга ошириб келинаётганлиги аниқланди. Жумладан, туман ҳокимининг 2008 йил 14 августдаги фармойиши билан «Истироҳат боғи» дарвозасидан Халфиға ариғигача бўлган ҳудуддаги автомобиль тўхташ майдонлари, «Олот — Амударё», «Олот — Денов», «Олот — Бўрибек чандир» йўналишларида катновчи транспорт воситалари тўхтаб туриш майдончаси ташкил этиш учун ёр уқастчалари қонунга зид равишда берилган. Бу ҳам етмагандек, бу ташкилотлар юридик шахс шаклида ташкил этилиши шарт бўлса-да, туман ободонлаштириш бўлими ҳамда «Темир Ботир транс-сервис» ҳусусий корхонаси тасарруфига ўтказилган. Фуқаро А.Қўваев эса маҳалла ҳудуддаги 155 метр квадрат ёр майдонини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиб, архитектура режалаштириш топшириғисиз қонуний равишда қурилиш моллари оморини биносини қуриб, фойдаланиб келган.

Дастурунинг қишлоқда сановат ишлаб чиқаришини янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳа-

тидан янги даражага кўтариш, шу асосда қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштириш таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш юзасидан туманда 2009 йил учун 36 та корхона ва ташкилотга белгиланган квота миқдори режа бўйича 418 та иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда бандликка қўмақлашувчи марказ йўналиши орқали 153 нафар, корхоналар томонидан 93 нафар, жами 246 нафар ишсиз фуқаролар иш билан таъминланган.

Бирок, ишсиз деб эътироф этилган шахсларга ишсизлик нафақаларини тўлаш миқдорини аниқлаш тартиби, уни тўлаш ва тайинлашда бир қатор қонунбузарликлар кўзга ташланди. Хусусан, туман бандликка қўмақлашувчи маркази бош мутахассиси И.Юлдошев «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига эътиборсизлик билан қараганлиги оқибатида ишсизлик нафақаси тайинланган фуқаро М.Худоева охириги мартовта 2008 йилнинг 24 ноябрида рўйхатдан ўтиб, 2009 йилнинг январь-февраль ойларига 84132 сўмлик нафақа пуллари ортиқча тўлангани аниқланди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида касаначилик ҳисобига 312 та иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, ҳисоботларда 324 та иш ўрни яратилганлиги, улар томонидан 4844,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги қайд қилинган. Бирок, бу ҳисобот текшириб кўрилганда, мутасадди ташкилотларнинг «қилғилик»лари ошкор бўлди-қолди. Хусусан, «Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси» шўъба корхонасида 7 та касаначилик иш ўрни яратилганлиги қайд қилинган. Аслида эса... Олот педагогика ва спорт коллежи мутасаддиларининг сохтакорлиги ҳаммасидан ошиб тушди. Коллежда 4 та касаначилик иш ўрни яратилганлиги ҳисоботларда кўрсатилган. Бирок, бу ерда касаначилик иш ўринлари умуман яратилмаган.

Юқорида қайд этилган қонунбузарликлар юзасидан тегишли мутасадди ташкилотларга қонун талабларининг бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритилди, қонун талаблари асосида чоралар қўрилди.

Мансур ХҲАЕВ,
Олот туман прокуратори, адлия маслаҳатчиси.

Хисобот-сайлов конференциялари

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ —
УСТУВОР МАСАЛА

уни ҳал этиш учун ўз позициямизни ва амалий ёндашувимизни тўла ифода этган ҳолда галдаги вазифаларимизни белгилаб олишимиз ва сайловларда пешқадамликка эришимиз зарур, деб таъкидланди Тошкент шаҳар ҳамда Наманган вилояти партия Кенгашлари конференцияларида

Тошкент шаҳар партия Кенгашининг IV хисобот-сайлов конференциясида Кенгашнинг сўнги беш йиллик фаолияти сарҳисоб қилиниб, кўлга киритилган ютуқ ҳамда камчиликларга танқидий баҳо берилди, яқин келажақдаги режа ва вазифалар белгилаб олинди.

Мамлакатимизда сўнги йилларда давлат ҳокимиятини мустахкамлаш, кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш мақсадида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу сиёсий партиялар фаолияти учун мустахкам ҳуқуқий замин, кенг имконият яратди. Ўзбекистон «Адолат» СДП таркибидagi барча ҳудудий ташкилотлар бу имкониятлардан самарали фойдаланишга интилиб келмоқда. Тошкент шаҳар партия Кенгаши ана шундай ҳудудий ташкилотлардан ҳисобланади. Конференцияда таъкидланганидек, Кенгаш фаолияти кейинги йилларда анча жонланди. Аъзолар сони ошди, партиянинг молиявий мустахкамлиги яхшиланди, шунингдек, аъзоларнинг сиёсий билим ва фаоллик даражалари бирмунча юксалди. Шаҳар Кенгаши қоидадаги Хотин-қизлар Кенгаши ташаббуси билан аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш борасида кўплаб тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирларда аёлларнинг фаоллиги аққол кўзга ташланди.

Конференцияда шаҳар партия Кенгаши раиси Париди Пармоновнинг маърузаси қизиқли билан тингланди. Хусусан, маърузачи сўнги беш йил ичида шаҳар Кенгаши томонидан олиб борилган кенг қамровли амалий ишлар ҳақида батафсил тўхталди:

— Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан аҳоли ўртасида ташкил этилган тадбирлар аъзоларимиз, партия электоратида катта қизиқиш уйғотиб, оммавийлик касб этди. Ўз навбатида, бу аҳолининг партия гоёлари билан ақиндан танишувиға замин яратди. Натижада партиянинг мақсад ва гоёларини кўплаб-қувватловчилар сони ошди. Буни жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари томонидан ўтказилган сўровлар натижалари ҳам тасдиқлайди.

Тўғри, бошланғич ташкилотларимиз ҳозирча камчилиги ташкил этмоқда. Улар сонини кўпай-



тириш, фаоллигини янада ошириш мақсадида изчил иш олиб бораёلمиз. Ўзтиборлиси, барча бўғиндаги ташкилотларимиз фаолиятини кенг оммага тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларини фаол жалб этишга эришмоқдамиз. Буларнинг барчаси, яқинлашиб келаётган сайловларда муваффақиятли қатнашимизга имкон яратди, албатта.

Шундан сўнг шаҳар Кенгаши депутати Хайрулла Мўминов сўзга чиқиб, Кенгаш фаолиятида маҳаллалар фуқаролари билан янада кўплаб урчуллар ўтказишга эътибор қаратиш партия нуфузини оширишда муҳим ўрин тутишини айтиб ўтди. Шунингдек, маърузачи партия халқ, электорат орасида кўпроқ бўлиб, уларнинг муаммоларидан доим хабардор бўлишни нафақат сайлов арафасида, балки сайловдан кейингача бўлган 5 йил муддат давомида амалий ишларни изчил йўлга қўйиш кераклигини таъкидлади. Иқтисодий университетги доценти Феруза Акрамова эса партия аъзоларининг сиёсий билим ва қўнимчаларини оширишда шаҳар Кенгаши ташаббуси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ўтказилган интерактив семинар-тренингларнинг ўрни бекиёс эканлигини қайд этди.

Йиғилишда шаҳар партия Кенгаши қоидадаги Хотин-қизлар Кенгаши раиси Юлдуз Саидованинг маърузаси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— «Адолат» социал-демократик партияси электорати таркибиди хотин-қизлар сони мамлакатимиздаги бошқа сиёсий партияларга нисбатан кўпчилиги таш-

кил қилади, — деди нотиқ ўз чиркишида. — Шу пайтга қадар Кенгашимиз ташаббуси билан уларнинг ҳуқуқий билим ва тажрибаларини оширишга қаратилган талайгина тадбирлар ташкил этдик. Давра сўхбатларида фаол иштирок этиб келаётган аёлларимиз сайловларда ҳам худди шундай суръат, худди шундай журъат билан қатнашиб, ижобий натижаларни кўлга киритади, деган умиддам.

Ўзини ўзи танқид руҳида ўтган конференцияда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, шаҳар партия Кенгаши фаолиятига дахлдор катта-кичик муаммолар хусусида атрофича сўз юритилди. Хусусан, аъзолар сонини ошириш борасида кўзга ташланаётган айрим камчиликлар таҳлил ва танқид қилинди.

Конференция иштирокчилари Тошкент шаҳар партия Кенгашининг хисобот-сайлов конференциясида қўйилган таъкидларни қўқарли деб топиб, Кенгаш ҳамда Тафтиш комиссияси таркибинини қайта сайлашди. Шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг навбатдаги Қурултойига делегатлар сайланди.

Наманган вилояти партия Кенгашининг хисобот-сайлов конференцияси ҳам қизгин муҳокама, жонли мулоқотларга, ўзаро қайдалар фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Конференцияда вилоят Кенгаши ташаббуси билан амалга оширилган кенг қамровли ишлар, эришилган ютуқ ва бй берилган имкониятлар таҳлил этилиб, уларга очик, холис баҳо берилди. Йўл қўйилган камчиликлар, фаолиятдаги сусткашликлар ошқора ай-

тилди.

Ўтган даврда вилоятда партия-вий фаолиятнинг муайян йўналишлари бўйича катта тажриба тўпланди. Айрим туман ташкилотларидаги кадрлар қўнимчилиги-га бутунлай барҳам берилди. Айниқса, «Сиёсий партияларни молиялаш тўғрисида»ги қонунлар ҳаётга татбиқ этилган, энг аввало, Кенгашлар моддий техника базасини яхшилаш чоралари қўрилди. Яхшида «Адолат» СДПнинг вилоятдаги салоҳиятли кучга эга бўлган ташкилоти юзага келди. Ўз навбатида, «Адолат» СДПни қўллаб-қувватловчи, партия гоё ва дастурларини бевосита маҳаллалар аҳолиси, турли қорхоналар ишчилари орасида кенг тарғиб қилувчи 120 та БПТ тузилди. Уларга 3500 нафар аъзо жипсашди. Бироқ, туман, шаҳар ёки вилоят Кенгашларида бирор нафар ҳам депутатнинг йўқлиги ташкилот фаолиятидаги ташаббускорлик ва таъсирчанликка салбий таъсир этди.

Дарҳақиқат, аввалги сайловлардаги муваффақиятсизликлар оқибатида маҳаллий Кенгашлар сессияларида «Адолат» СДПнинг ўрни билинмади. Қўриб чиқилган бирон бир масалада партия позицияси сезилмади. Бу ҳол вилоят Кенгашининг вилоятдаги бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бориши мумкин бўлган ишларнинг жонлиниги ҳам салбий таъсир қўрсатди. Оқибатда Кенгашнинг вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида тугган ўрни, кўлга киритган ютуқлари, сиёсий рақобатлашувлардаги самаралари унинг бй берган имкониятлари соясида қўлиб кетди.

Мутахассислар учун
зарур қўлланма

Мустақилликка эришган, барча жабҳаларда бўлгани каби, урта ва олий таълим муассасаларида ҳукуматимиз томонидан ўқув жараёнининг тақомиллаштириш ва етук кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари асосида ривожлантириш ҳамда аҳоли саломатлигини таъминлаш орқали бузулган кун тараққиётини жадаллаштириш энг долзарб вазифа қилиб белгиланди.

Яқинда олий тиббиёт ўқув юртлири талабалари учун қўлланма сифатида «MERIYUS» навирийтида чоп этилган «Суд тиббиёти» дароғлигининг юзага келиши маҳалла кадрларини ҳар жиҳатдан қамолга етказиш ва уларнинг профессионал маҳоратини оширишда муҳим қадам бўлди. Асар суд тиббиётига оид маълумотларни яхлит ҳолда берилиши билан бениҳоя аҳамиятлидир.

Дарсликда мутахассисликни пухта эгаллаш учун ўқувга алоқадор базислар ҳақида кенг тушунча берилган ва моҳиятан бу соҳа долзарблиги аниқ-равшан баён қилинган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад — умумий про-филга эга бўлган врач ёки суд тиббиёти эксперти ўз мажбуриятларини бажариш учун ҳар жиҳатдан тайёрланган бўлиши кераклиги кўзда тутилган. Чунонкин, соҳа ходимларини етарли билимга эга бўлишларини таъминлашдан ташқари, суд тиббиёти эксперти сифатида аҳолига

даволаш-профилактика ишлари хизматини яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимини қайта ташкил қилишда амалий ёрдам қўрсатиш гоёт муҳимдир. Шу жиҳатдан китобдан ўрин олган анатомия ва толография анатомия, нормал ва патологик физиология, патологик анатомия, травматология, акушерлик ва гинекология, гистология, терапия, педиатрия ва бошқа фанлар билан узвий алоқалар хусусидаги шарҳлар катта аҳамият касб этади.

Тиббиёт фанлари докторлари — Алишер Искандаров ва Давлат Қўлдошевлар ҳамкорлигида яратилган мазкур асар мазмун мундарижасига кўра, бир неча қисмлардан иборат. Биринчи бўлимда суд тиббиёти фани ва унинг ривожланиши тарихига доир қисқача маълумотлар келтирилган. Унда шу кунгача ўзбек тилида бундай қўлланманинг яратилмаганлиги алоҳида урғу берилганки, бу ҳам истиқлолимиз шарофати тўғайлидир. Иккинчи бўлим Ўзбе-

кистон Республикасида суд тиббиёти экспертизасининг процессуал ва ташкилий асосларига бағишланган. Учинчи бўлимда эса ташқи таассуротлар таъсирида жароҳатланишлар ва ўлимнинг содир бўлишига оид масалалар кенг ёритилган. Тўртинчи бўлимда тирик шахсларнинг суд тиббиёти экспертизаси батафсил ёритилган.

Қўлланма билан танишар экансиз, аввало, ҳозирги замон суд тиббиёти фани алоҳида тиббий фанлардан бири эканлигиға ишонч ҳосил қиласиз. Бинобарин, унинг мақсади — тергов органлари фаолиятида суд ва тергов жараёнида жиноят ҳақида фуқаролик ишларини қўриб чиқиш пайтида пайдо бўладиган суд тиббиётга ва биологияга оид барча саволларга тўла, аниқ жавоб беришдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, китобда суд тиббиёти фанига оид барча маълумотлар, суд тиббиёти экспертизасининг назарий асослари, объектлари, унинг барча турлари ҳақидаги билимлар тўлиғича муҳассамлашган. Қўлланма нафақат талабаларга, балки соҳага алоқадор барча мутахассисларга мулжаллангани билан ҳам қимматлидир.

Ғулом ХИДИРОВ,
«Адолат» мухбири.

ДУНЁ
КЎЗГЎСИГРЕЦИЯДА ЯНГИ ҲУКУМАТ ИШ
БОШЛАЙДИ

Грециянинг парламент сайловларида ПАСОК социалистик партияси юқори натижаларга эришган, партия раиси Йоргос Папандреу Бош вазир сифатида янги ҳукумат таркибини тузди. Айни пайтда Ташқи ишлар вазири лавозими ҳам

вазирнинг ўзига юклатилди.

Янги вазир 1999-2004 йилларда Ташқи ишлар вазири лавозимида фаолият юритган. У ҳукуматнинг яқин келажақдаги устувор йўналишларини белгилаб олиб, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти тўғри режалаштиришини ўта муҳим масала деб ҳисоблади ҳамда Молия ва Иқтисодиёт вазирлигини алоҳида идоралар сифатида бўлиб ташлади. Папандреу назарда тутган бошқа устувор йўналишларини бир қатор янги вазирликлар бажарадиган бўлди. Масалан, Иқлим ўзгариши вазири, Давлат бошқарувидаги шаффофлик вазири, Чексиз таълим жараёни вазири ва Электрон ҳукумат таъминоти вазири ҳеч қайси давлатда кузатилмаган янгилик деб тан олинмоқда.

Мудофаа вазирлигини ПАСОК партиясининг кўзга кўринган арбобларидан бири Эвангелос Венизелос бошқарадиган бўлди. Қолаверса, Ички ишлар вазири, Таълим, Маданият ва туризм вазирликлари раҳбарлари алмаштирилди. Ҳукумат вакиллари октябрь ойининг биринчи ярмида қасамёд қилиб, ўз вазифаларига киришадилар.

СОМАЛИ ВАЗИРИ ЎФИРЛАНДИ

Угандада Сомалининг юқори лавозимли шахсларидан бири ўғирланди. Шайх Юсуф Муҳаммад Зиёд исмли амалдор мамлакатнинг Кампала шаҳрида қуролланган инсонлар томонидан мажбуран олиб кетилган. Кейинроқ Уганда Мудофаа вазириги вакилининг хабар қилишича, у ўғирланган эмас, балки Зиёд мамлакат қуролли кучлари томонидан ҳисбага олинган. Уларнинг фикрича, шайх давлатга номаълум сабабларга қўра таъсир буюрган. Расмий шахслар Угандада ҳеч қандай оғохлантиришисиз келиши шубҳа уйғотди, деб ҳисоблашди тегишли муассаса ходимлари.

Маълум бўлишича, Зиёд Сомали мудофаа вазири ўринбосари, давлатимизда фаолият юритган. Шу билан бирига алоҳида ҳукумат тузиб, расмий ҳокимиятларга бўйсунтириш беш тортган гуруҳ — Ислон судлари Кенгашининг мудофаа масаласини ҳам у бошқариб келган.

Эслатиб ўтамиз, Сомалида ҳозир фуқаролар бош қўтарган палла. Мамлакатда расмий жиҳатдан тан олинган ягона идора — Муваққат Федерал ҳукумати ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатнинг аксарият қисми президент Шариф Аҳмад бошчилик қилаётган Ислон судлари Кенгаши томонидан назоратга олинган.

АМЕРИКАЛИК АСТРОНОМЛАР
ТОПИЛМАСИ

Америкалик астрономлар Сатурн сайёсаси атрофида илгари ҳеч кузатилмаган узуксимон кўринишга эга жисм топишди. Чанг ва муздан иборат бу рангсиз моддани факат «Спитцер» космик телескопи ёрдамида кузатиш мумкин. Халқа Сатурн тизимининг чекка қисмида жойлашган бўлиб, унинг ис-сиклиги даражаси 193 градусни ташкил қилади.

Чанг ва музнинг асосий қисми сайёрадан тахминан 6 миллион километр узоқликдан жой олган бўлиб, ҳажми шу қадар каттаки, Ер сингари сайёраларнинг миллиард донасини ҳам ўзида сиғдира олади, деб ҳисоблашмоқда. Авваллари лотин алифбосида А харфидан G харфигача номланган Сатурннинг етти халқаси ҳамда ундан кичикроқ айланачалар ҳақида маълумотлар бор эди.

Мазкур янги топилманинг ўқи атрофида ва ҳамохан-ликда Сатурннинг Феба йўлдоши айланади. Бошқа айланалар ва йўлдошларнинг аксарияти тескари томонга ҳаракатланади.

ИШ ЎРНИ
ҚИСКАРТИРИЛАДИ

Жорий йилда Эстониянинг қурилиш соҳасида элли мингга яқин иш ўрни қисқартирилади. Қурилиш қорхоналари иттифоқи ижрочи директори Индрек Петерсоннинг сўзларига кўра, иқтисодий инқироз туфайли 2008 йили мамлакатда қарийб ўн минг қурувчи ўз иш ўрнидан мажбур бўлган, юзлаб ходимлар мажбурий таътилга чиқарилган.

Иш ўринларининг қисқариши, шунингдек, логистика ва кўчмас мулк соҳалари ҳам кузатишмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент шаҳридаги «2-автотс саройи» очик акциядорлик жамияти пойтахтимиз ахли ва меҳмонларининг манзилларини яқин, кўнгилларини хушнуд қилиш мақсадида янги русумдаги «Mercedes bens low floor connecto» ва «Isuzu» автобуслари қатновга қўйилаётганлиги

муносабати билан «Д» тоифали хайдовчилар ҳамда чиптачиларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ойлик маошлари:

«Мерседес Бенц» автобусларида ишлайдиган хайдовчилар учун — 350 000 дан 500 000 сўмгача; чиптачилар учун — 150 000 сўмдан юқори.

«Isuzu» автобусларида ишлайдиган хайдовчилар учун — 250 000 дан 350 000 сўмгача; чиптачилар учун — 150 000 сўмдан юқори.

Мурожаат учун телефонлар:

296-32-60 (ҳодимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона).

Пойтахтимиздаги «Ўзэксспормарказ» мажмуасида уч кун давом этган «Uzmedexpo — 2009» иккинчи ихтисослашган халқаро тиббиёт кўргазмаси қирқдан зиёд фармацевтика компаниялари иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Кўргазма стендларида замонавий тиббий технологиялар, дори-дармон, ультратовуш, ренген аппаратуралари, диагностика ва лаборатория жиҳозлари, стоматология асбоб-ускуналари, дезинфекция, санитария-гигиена ҳамда реабилитация воситалари сингари юзлаб янги технологиялар кенг намойиш қилинди.

Аввало, таъкидлаш керак, мазкур кўргазманинг айнаи мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ташкил этилиши катта моҳият-эътиборга эга. Негаки, Ўзбекистон тиббиёти тизимида мустақиллик йиллари жуда катта ислоҳоти қадамлар ташланди. Хусусан, Президентимиз раҳнаомлигида соҳа ривожини йўлида тиббиёт муассасалари энг янги тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Диагностика ва даволаш жараёнидаги самаралар, замонавий технологиялар жорий этилди. Қишлоқ врачлик пунктлари, ихтисослашган тиббий муассасалар фаолияти тубдан тақомиллашди. Буларнинг ҳаммаси эл-юрт саломатлигини асраш, ёш авлод қамолтини таъминлаш, турли хасталиклар олдинчи олиш, айниқса, она ва бола соғлиғига ҳаф соялиши мумкин бўлган касалликларни барвақт аниқлаш каби эзгу

Тиббиёт
ривожининг ўзига
хос кўзгуси

мақсадларга қаратилганлигидир. Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда чексиз қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш Давлат дастури»ни амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Фармони ҳам бу йўлда белгиланган барча вазифаларнинг изчил ижросида яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада Россия, Белорусь, Германия, Италия, Корея, Хиндистон, Хитой, Швейцария сингари давлатларнинг етакчи ишлаб чиқа-

рувчилари ҳамда даволаш муассасалари фаол қатнашдилар.

Кўргазма экспозицияси билан танишиш мақсадида таъриф буюрганларга намойиш этилган махсуслотлар тўғрисида жамланган электрон қўлланма айниқса барчада бирдек қизиқиш уйғотди. Шунингдек, юксак малакали тиббиёт мутахассисларининг тақлифлари, мулоҳазалари талаб ва эҳтиёжлари ҳам ўрганиб чиқилди. Бир сўз билан айтганда, тиббиётимиз тараққиётининг ўзига хос бу кўргизи — соҳа ривожига кўзгу бўлди, дейиш мумкин.

Даврон САЪДУЛЛАЕВ,
«Адолат» мухбири.

Малайзияда Ўзбекистон ҳақида журнал нашр этилди

Малайзияда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган журнал босмадан чиқди.

Журналда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган байрам таъналари ҳақида сўз юритилади. Унда ўтган шу вақт мобайнида мамлакат ривожланган иқтисодиёт, бой илм-фан ва маданиятга эгаллиги билан жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўринни эгаллади, янги жамият барпо этиш йўлида эътиборли муваффақиятларга эришгани қайд этилади.

Нашр мамлакатимиз бош шаҳрининг қадимий тарихи, унинг жаҳон тамаддуни тараққиётига қўшган ҳиссаси, мустақиллик йилларидаги ривожланиши ҳақида ҳикоя қилинган. Тошкент — қадимий тарихга, ажойиб бугунги кун ва буюк келажакка эга шаҳар — сарлавҳали мақола билан очилади. Мақолада Тошкентнинг вужудга келиши тарихи ҳақида сўз юритилиб, ўзбек археолог олимлари томонидан 2000 йиллар бошларида Тошкент шаҳрининг айнан 2200 ёшда эканини тасдиқловчи қадимги шаҳар ўрнида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Бу ерда мустақиллик йилларида амалга оширилган савий-ҳаракатлар шаҳар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани алоҳида таъкидланади. Тошкент бугунги кунда йирик илмий ва маданий марказ, халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинчлик рамзи саналади, шаҳарнинг инсоният тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси уни жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмишига олиб келди. Замонавий пойтахтлар шаҳарсозлиги орасида Ўзбекистон бошкенти ўзида улғур ўтмиши ва гўзал замонавийлики ўзаро омукта этган. Бу ерда ўтмишдаги муҳир меъморлар томонидан бунёд этилган маҳобатли ёдгорликларнинг қадимийлиги замонавий иншоотлар билан табиий ҳолатда мужассамлашган. Бинолар, кўчалар ва хиёбонларга хос бўлган миллий уйғунлик эса, жаҳон меъморчилиги гоёси элементлари билан бениҳоя мос равишда қўшилиб кетган — деб ёзади нашр.

Журналнинг "Бизнес" рукнида 2009 йил 14-15 октябрь кунлари бўлиб ўтиши мўлжалланган V Халқаро Ўзбек пахта ярмаркаси ҳақида батафсил сўз юритилади. Биринчи ана шундай ярмарка 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббусига кўра пахта толаси экспорти географиясини кенгайтириш, уни жаҳон бозорига етказиб беришнинг самарасини ошириш ва мақбул йўллари топиш мақсадида Тошкентда ташкил этилган ва муваффақиятли ўтказилган эди. Ўтказилиши мўлжалланган ярмарка ишда иштирокчилар пахтани етказиб бериш, узок муддатли ҳамкорлигини ривожлантириш борасида шартномалар тузиш имкониятига эга бўлишиди.

Нашрнинг "Маданият" рукнида қисқа вақт ичида дунёнинг энг замонавий мусиқа анжуманларида муносиб ўрин олган, 1997 йилдан бунён ўтказилиб келинаётган "Шарқ тароналари" Халқаро фестивали ҳақида ҳикоя қилинади. "Ўшбу Халқаро мусиқа фестивали одамларни гўзаллик ва олижанобликка чорлайди, дунё халқларининг мусикий меросини ривожлантиришга, санъат орқали турли тиллар, маданиятлар ва миллий қадриятларга эга миллатларни бир-бирига яқинлаштиришга, дунё саҳнасида мамлакатимиз обрўси ва нуфузини оширишга хизмат қилади" дейилади мақолада.

«Жаҳон» АА,
Қуала Лумпур



Мамлакатимиз Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан юртимизда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўшбу муҳим ҳужжат таълим тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, жойлардаги мусиқа ва санъат мактабларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда улар фаолиятини самарадорлигини оширишда ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқда мусиқа ва санъат мактаби

Самарқанд туманининг Қайнама қишлоғида яқинда фойдаланишга топширилган — лойиха қиймати 461 миллион сўмлик, 150 ўқувчи мўлжалланган 26-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси ана шундай савий-ҳаракатларнинг ёрқин намунасидир. Мазкур иншоот Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси буюртма-

си асосида Самарқанд шаҳридаги «Барокат курилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан замонавий таъмирдан чиқди. Машғулотларга мўлжалланган 14 та индивидуал синфхона, иш кабинетлари, ошхона ва 100 ўринли кичик зал ўқувчилар хизматида. Вилоят ҳокимилиги ёрдамида қўшимча 130 миллион сўмлик маблаг

сарфланиб, 550 ўринли концерт зали ҳам тўла реконструкция қилинди.

Давлат дастури асосида виллоятимизда илк бор бизнинг мактабимиз капитал реконструкциядан чиққан ва имкониятлар етарли эмасди. Энди эса ҳар бир йўналиш бўйича яқка тартибда машғул ўтиш учун хоналаримиз етарли, концерт залимиз замонавий, мусиқа асбобларимиз бисёр. Халқ чолғулари, фортепиано, анъанавий хонадалик, рақсомлик ва дизайн каби йўналишларда сабоқ олаётган ўқувчиларимиз орасидан келгусида ажойиб санъаткорлар етишиб чиқишига ҳамма имкон бор...

Суратларда: болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятдан лавҳалар.
Т.НОРҚУЛОВ (ЎА) олган суратлар.



SPORT, СПОРТ, SPORT

ТЕХРОНДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН



Эрон пойтахти Техронда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича катталар ва ёшлар ўртасида XIII Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Қитъанинг 24 мамлакатидан олти юз нафардан ортиқ спортчи қатнашган мазкур мусобақада ҳамюртларимиз 9 та олтин, 10 та кумуш ва 8 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Қизлар ўртасида байдаркада эшак эшиш бўйича Юлия Борзова, Мария Мехеда, Виктория Петришина, Екатерина Шубина, Ольга Умаралиева ва Ксения Полуниналардан иборат терма жамоамиз аъзолари 4 та олтин, 3 та кумуш ҳамда 2 та бронза медалларини жамғаришга муваффақ бўлишди. Ўшбу натижалар вакилларимизнинг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашига имкон яратди.

Мамлакатимиз эркаклар жамоаси аъзолари ҳам мусобақада муваффақиятли иштирок этишди. Улар 4 та олтин ҳамда 2 тадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида кучли уликдан жой олишди. Шунингдек, ёшлар ўртасидаги беллашуларда М.Ван, А.Пекут, Д.Абрамов, В. Ибрагимов, Д.Мочалов ва Ф.Морозовлар юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Мусобақа якунида ёш спортчиларимиз 1 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза медаллари билан тақдирланди.

ФОЛИБ — РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО!




2016 йилги ёзи Олимпия ўйинлари Рио-Де-Жанейрода бўлиб ўтади. Бразилия пойтахти нўфузли мусобақани ўтказиш бўйича ўтказилган уч босқичли ўзига хос «беллашу»-да Испаниянинг Мадрид, АҚШнинг Чикаго ва Япониянинг Токио шаҳарларини ортада қолдирди.

Карнаваллар шаҳри — Рио-Де-Жанейронинг ёзи Олимпия ўйинлари мезбонлигини қўлга киритиши осон кечмади. Негаки, Мадрид, Чикаго ва Токио ҳам Олимпиадани қабул қилишга муносиб давъогарлар эди. Ҳатто Чикагони қўллаб-қувватлаш мақсадида Коленгагенга АҚШ президенти ҳам ташриф буюрди, бироқ... Ниҳоят, узок кутилган вақт етиб, Халқаро Олимпия Қўмитаси раиси Жак Рогге фоллиб шаҳар номини эълон қилди — Рио-Де-Жанейро!

Таъкидлаш лозимки, Бразилия пойтахти 66 очко билан яқин таъкибчиси Мадрид шаҳрини ортада қолдирдишга муваффақ бўлди. Хуллас, Рио-Де-Жанейро Жанубий Америка қитъасида Олимпияда ўйинлари мезбонлигини қўлга киритган биринчи шаҳарга айланди.

«БУНЁДКОР» ДУРАНГ ЎЙНАДИ



Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг навбатдаги 24-тур ўйинларида бир қатор қутилмаган натижалар қайд этилди. «Олмалик» меҳмони бўлган мусобақа пешқадами, Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси бу йилги чемпионатда илк бор очко йўқотди.

Айтиш керакки, олмалик футболчилар ўз таркибига кўплаб маҳоратли «чарм тўп» усталарини жамлаган «Бунёдкор»га қарши муносиб тўп сурдилар. Бу 39-дақиқада ўз самарасини берди — мезбонларнинг хорижлик ҳужумчиси Артурас Фоменко ҳисобни очди. Ўйиннинг иккинчи бўлимида эса ҳисоб 2:0 га етди. Аммо «Олмалик» галабани қўлда ушлаб тура олмади. Мезбонларнинг хотиржамлигиндан фойдаланган Сервер Жепаров сўнгги дақиқаларда рақиб жамоа дарвозасига иккита тўп киритди — 2:2.

Қолган учрашулар эса қуйидаги натижалар билан якунланди: «Локомотив» (Тошкент) — «Навбахор» (Наманган) 2:0, «Андижон» (Андижон) — «Динамо» (Самарқанд) 2:0, «Бухоро» (Бухоро) — «Қизилқум» (Навоий) 3:5, «Хоразм» (Хоразм) — «Машъал» (Муборак) 2:1, «Насаф» (Қарши) — «Металлург» (Бекobod) 3:0, «Пахтакор» (Тошкент) — «Сўғдиёна» (Жиззах) 5:1, «Шўртан» — «Нефтчи» 1:0.

Навбатдаги турдан ўрин олган «Машъал» — «Локомотив», «Нефтчи» — «Олмалик», «Қизилқум» — «Шўртан», «Динамо» — «Бухоро», «Сўғдиёна» — «Андижон», «Навбахор» — «Насаф» ўйинлари бугун бўлиб ўтади. «Металлург» — «Пахтакор» учрашуви 13 октябрь кунини ўтказилади.

О.АБДУЛЛАЕВ

Мулоҳаза

Тўй барокати — тежамда

Чоррахда ўрнатилган йўл ҳаракати чирокларининг бири ўчиб, бири ёнади. Шу маҳал биринчи даражали йўлдан қора рангли хорижда ишлаб чиқарилган енгил автомобил кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилмай ўтиб кетди. Хайриятки, иккинчи даражали йўлда машиналар кам эди...

Машинанинг кабинаси тепасида келин-куёв бир-бирларини маҳкам тутганича, одамларга имо-ишора қилишарди. Кимдир:

— Келин-куёвлик гаши-

ни шундай сурмоқ керак! — деди. Кимдир унинг сўзини бўлиб:

— Йўл ҳаракати қоидаларини кўпол тарзда бузгани яхши эмас. Оқибати ёмон бўлиши мумкин, — деб қолди.

Ўтган йили Узун туманида бўлганимизда, бир ноҳус ҳолни кўриб, ҳали-ҳануз ачинаман. Ҳарбий парад учун саф тортгандай 20 га яқин турли русумдаги янги енгил машиналар карвони катта кўчани тўлдириб келарди. Машиналарнинг 4-5 таси бир-бирига тўқнашиб кетди.

Келин билан куёв ҳаётдан бевақф кўз юмди. Қолганлари қаттиқ тан жароҳати олиб, касалхонага жўнатилиди. Ёз кунларининг бирида яна шу туманга йўлимиз тушди. Туман ҳокимлиги биноси қаршисидаги майдонда турли русумдаги автомашиналар тизилишиб турибди. Келин-куёв машинаси байрамона безатилган. Шу пайт олдинда кимдир байроқчани кўтариб паства туширди. Машиналар изма-из катта кўчага йўл олишди.

Тўғри, тезкор замонда яшаётган. Нимадир ихтиро қилинади, нимандир яратаямиз. Янгича «урф-одатлар» ҳам турмуш-тартибимизни четлаб ўтаётгани йўқ. Лекин бу «удумлар» ёшларимизга қандай таассурот қолдиради? Нима каромат кўрсатади?

Аслида келин-куёвнинг сайр-томошасига 2-3 та енгил машина кифоя қилади. Қолаверса, ошқича харажатга на ҳожа? Беҳуда исрофгарчилик ўрнига ёш оила-нинг оёққа туриши учун мод-

дий жиҳатдан қўллаб-қувватласак, хайрли иш бўлади-ку.

Ҳисоб-китобларга кўра, тўйга ўнлаб автомобилларни хизматга жалб этишда катта миқдорда пул сарфланар экан. Тежамкорликда барокат кўп, дейишди. Аммо бир неча соат ичида миллионлаб сўмини машиналардан қайтаган тутунга айланган бораётганлигини нахотки тушуниб етмайамиз?

Турсун МАХМАДАЛИЕВ,
«Adolat» муҳбири.

БУ ТУРФА ОЛАМ

Қора денгизда учрайдиган олабўга балиқлари туғилганида асосан урғочи бўлади. Лекин 5 ёшга бориб улар жинсини кескин ўзгариша бошлайди.

Танасига нисбатан миясини энг катта бўлган жонивор чуқури саналади.

Бегемотлар сув остида туғилади.

Юмронқоziқ кунига 76 метр узунликдаги туннель қазиши мумкин. Қора урғочи ўргимчак эса бир кунда 20 та эркакни тутиб ёйди.

Худди вертолёт сингари бир жойда муаллақ тура оладиган энг митти куш — колиб-

ри юра олмайди.

Чигиртканинг қони оқ тусда, лобстерники эса ҳаворанг.

Маълумотларга кўра, булбулларнинг «репертуар»ида икки мингдан зиёд куй бор.

Читтак 1 йилда 6,5 миллион зарарли ҳашаротнинг тухумини қуритади, қизилдум чумчуқ ёз давомида 1 миллион ҳашарот тутиб ёйди.

Митти чолиқуши эса бир йилда 4 миллион ҳашаротни йўқ қилади.

Кўз соққалари қимирламайдиган уқилларнинг кўриш чегараси чекланган. Шунинг учун ҳам улар бошини 270 градусгача бура олади.

Жаҳон жавоҳирлари жавонидан

■ Адолат — барча фазилатлар ичидagi энг олий фазилатдир.

ЦИЦЕРОН.

■ Саҳий бўлиш жуда осон, қийини — адолатли бўлиш.

Виктор ГЮГО.

■ Одамлар адолатни севишлари учун уларга адолатсизлик оқибатларини кўрсатиб турмоқ зарур.

Адам СМИТ.

■ Адолатпарварликнинг биринчи мукофоти — адолатли иш қилганликдан мамнуулиқдир.

Жан Жак РУССО.

■ Кучсиз адолат ва адолатсиз куч — иккови ҳам даҳшат.

Жозеф ЖУБЕР.

■ Мўмин-қобиллик адолатпарварликнинг буюк мевасидир.

ЭПИКУР.

■ Адолатпарвар одамнинг ахлоқий хислатлари бемалол қонуни ўрнига боса олади.

МЕНАНДР.

■ Адолат ҳаёт учун нон сингари керакли озуқадир.

Людвиг БЕРНЕ.

Қайдовчининг тезлигини оширганилиги учун ДАН ходими тўхтатибди.

— Бўлди, қайдовчилик гувоҳномамини олиб кўяди энди,

— дебди қайдовчи.

— 2000 сўмга гаров бойлаймизми, олиб кўймайман, — дебди ДАН ходими.

Ходим ишга келмабди. Шу вақтгача у ҳеч қачон кеч қолмаган экан. Иш бошлангандан уч соат ўтгач, боғи ходимнинг хотини қўнғироқ қилиб, эри вафот этганини билдирибди.

— Худода шукур-ей, — дебди бошлиқ. — Ҳар-хил хаёлларга бораётгудим.

Ўғил отадан сўрабди:

— Дада, баъзи мамлакатларда куёв тўйгача хотинининг кимлигини билмас экан-а?

— Ҳаҳма мамлакатда шунақа, ўғлим!

Эгизак қизлар ошхонада овқатланишмоқда. Қўшни тоғда ўтирган киши уларга тикилиб, бармоқлари билан алламбаларни ҳисоблаётти.

— Ҳайрон бўлманг. Биз ҳақиқатдан ҳам эгизакмиз!

— Тўртовларинг ҳаммин?

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН

«АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир

Худойёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс);

котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14

ISSN 2091-5217

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором

ТОШМУХАМЕДОВА,

Исмоил САИФНАЗАРОВ,

Алишер МЎМИНОВ,

Жовдатхон ИНОГҒОМОВ,

Зухра БОТИРОВА,

Икбол МИРЗО,

Муҳаммад АЛИ,

Мамазоир

ХЎЖАМБЕРДИЕВ,

Мукаррамхон АЗИМОВА,

Равшан ҚАЙДАРОВ,

Собир ТУРСУНОВ,

Светлана ОРТИКОВА,

Талъат МУРОДОВ,

Қодир ЖЎРАЕВ.

Нашр учун масъул

Рустам АҲМАДАЛИЕВ

(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

† — Тижорат мақолалари белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Камол АЛЛАЕВ

Навбатчи — Фарҳод ЭСОНОВ